



O‘ZBEK TILI VA UNING TA’LIMI TARAQQIYOTI: MUAMMO VA YECHIM

**(O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining
33 yilligiga bag‘ishlangan an’anaviy respublika ilmiy-amaliy
konferensiyasi materiallari)**

Buxoro, 20-oktabr, 2022-yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
BUXORO VILOYATI HOKIMLIGI
DAVLAT TILIDA ISH YURITISH MARKAZI BUXORO
VILOYATI HUDUDIY BO‘LINMASI**

O‘ZBEK TILI VA UNING TA’LIMI TARAQQIYOTI: MUAMMO VA YECHIM

**(O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining
33 yilligiga bag‘ishlangan an’anaviy respublika ilmiy-
amaliy konferensiyasi materiallari)**

Buxoro, 20-oktabr, 2022-yil

“Durdona” nashriyoti

UO‘K 81(575.1)

81.2g(5U)

A 18

Yuldasheva D.N.

“O‘zbek tili va uning ta’limi taraqqiyoti: muammo va yechim” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. [Tekst] 19-oktabr 2022-yil. / D/N/Yuldasheva. - Buxoro: " Durdona " nashriyoti, 2022. - 290 c.

KBK 81.2g(5U)

Mas’ul muharrir

**pedagogika fanlari nomzodi,
professor Yuldasheva D.N.**

Taqrizchilar

**filologiya fanlari doktori,
professor Abuzalova M.K.**

**filologiya fanlari nomzodi,
dotsent G‘aybullayeva N.I.**

**To‘plovchi va nashrga
tayyorlovchi**

**filologiya fanlari bo‘yicha falsafa
doktori (PhD) Ahmadova U.Sh.**

Mazkur to‘plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma’lumotlari, bildirilgan fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari shaxsan mas’uldirlar.

© Buxoro, 2022 “Durdona” nashriyoti

ISBN 978-9943-5871-0-6

ТИББИЙ ДИСКУРСДА ОҲАНГ ВА СУКУТ

Юлдашева Дилором Нигматовна,

БухДУ профессори

Гулчеҳра Ташпўлатовна Чўллиева,

БухДУ таянч докторанти

Аннотация. Шифо аҳлининг беморга хайрихоҳлиги, илик муомаласи, инсоний муносабати, аввало, шифога муҳтож кишининг руҳий дунёсида мувозанат ўрнатадики, бу беморнинг ўз дардига тўғри муносабатини шакллантиради. Абу Али ибн Сино таъбири билан айтганда, врач – беморнинг дўсти, устози ва ёрдамчисидир. Масъулиятли бу вазифани бажариш учун шифокорда касбий билим ва тажрибадан ташқари, инсоний фазилатлар – раҳм- шафқат, виждон, иймон-эътиқод, бир сўз билан айтганда юксак даражада маданият ва маънавий шаклланган бўлиши зарур.

Калит сўзлар: *нутқ, сукут, оҳанг, новербаллик, шифокор нутқи*

Кўпинча, беморнинг нозик тана аъзоларида иллат, дард пайдо бўлиши бемор ва шифокор мулоқотини оғирлаштиради. Ана шундай пайтларда тиббий эфемизмлар мазкур жараён учун ёрдамга келади. Буни баъзи мисолларда кўрамиз.

Ҳаво ўтказмайдиган ҳар қандай тагликлар эса ёрғоқнинг қизиб кетишига олиб келиб, ўғил болалар жинсий ривожига салбий таъсир этиши боис хатарли ҳисобланади. (“Шифо-инфо”, 2016. №13. –Б.34.)

Рўй берган авария қизнинг кўпайиши аъзосига қаттиқ таъсир кўрсатган. Биз уни зудлик билан жарроҳлик столига ётқизишимиз керак.

*Сочиқлардан фойдаланишда ҳам эътиборли бўлиш фойдадан холи бўлмайди. **Нозик соҳалар** учун сочиқлар ҳам тоза, юмшоқ ва, энг асосийси, шахсий бўлмоғи зарур. (“Шифо-инфо”, 2016.№20. –Б.34.)*

*Беморда пешоб тутилиши кузатилгани боис унга цистостома ўрнатилади. Шу усулда аденоманинг **пешоб чиқариши каналини** бевосита эзиб турувчи қисми олиб ташланади. (“Шифо-инфо”, 2016. №20. –Б. 47.)*

Бўқоқ касаллигини вақтида даволамасангиз, агар сиз туғруқ ёшида бўлсангиз, ҳомиладор бўлишингиз муаммога айланади,

чунки йод танқислиги аёлнинг насл қолдирувчи хусусиятига ҳам таъсир кўрсатади. ("Doktor press", 2016.№26. –Б. 7.)

Келтирилган мисоллардаги *ёрзоқ, кўпайиш аъзоси, нозик соҳалар, пешоб чиқариш канали, насл қолдирувчи хусусият* каби тиббий метафорик эвфемизмларни нутқ жараёнида қўллаш бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам ноқулайлик туғдирмайди. Мисоллардан кўринадики, миллий дунёқараш тилнинг метафорик таянчлари билан уйғун, иккиламчи номинация механизми ва маҳсули бўлган кўчимларда эвфемизмлар етакчи ўрин эгаллайди.

Шу ўринда метафорик эвфемизмлар хусусида бироз тўхталамиз.

Метафорик эвфемизмлар миллий-ментал муносабатнинг борлиқни акс эттиришида намоён бўлади, у маданий қадриятларнинг тилда намоён бўлишини кўрсатади, метафорада аниқлик ва таъсирчанлик, жозибadorлик билан бирга мавҳум муносабат ҳам кузатилади. Шуниси муҳимки, метафорик эвфемизм нутқий шахснинг қандай лингвомаданий муҳитга дахлдорлиги, тафаккур тарзи ва тил билимига боғлиқ ҳолда содир бўлади. Метафорали эвфемистик ифодалар асосий ахборот мазмуни ва унинг устида қаватланган коннотатив маъно ҳамда муносабатдан ташкил топади. Ахборот эвфемистик коннотатив маъно билан мураккаблашади, коннотатив маънолар сирасида метафорик образга асос бўлган салбий ёки ижобий муносабатдан бири етакчилик қилади. Коннотатив маънонинг кучайиши денотатив ва функционал маънонинг кучсизланишига кўра вужудга келади.

Шифокор, аслида яхшигина нотик, психолог, педагог бўлиши керак. Тўғри, аслида шифокор ҳам оддий инсон. У ҳам ота, она, кимнингдир турмуш ўртоғи ёки яқини. У турмуш икир-чикирлари, хизмат вазифаси давридаги қийинчилик, касалга ташхис қўйиш билан алоқадор мураккабликлар бошдан кечиради, эрталабдан кечгача ишлашдан жисмонан толиқади, баъзан стресс ҳолатига учрайди. Демак, бундай вазиятларда шифокор, аввало, мураккаб психиологик ҳолатдан ўзини ўзи олиб чиқиши керак. Бу эса врачнинг кучли иродаси, маънавий маданиятининг ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ.

Гарчи тиббий дискурс ҳам бошқа прескриптив ва директив ҳужжатлар дискурсларига қўйиладиган талабларга бўйсунса ҳам, унинг барча кўринишларига ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Дискурснинг мезонлари ҳамиша ҳам мутлақ ва қотиб қолган ҳолатда эмаслигига ушбу далиллар асос бўла олади:

Беморнинг орқа чиқарув ёригидан чиққан гемorroидал тугунлар мустақил ўз жойига тушмайди ва уни фақат босим остида ўз жойига тушириш мумкин. (<http://tmatm.uz/>)

Гапирадиган касаллик (геморрой) тўғри ичак пастки қисмлари ва орқа чиқарув тешиги атрофидаги вена қон томирларининг кенгайиб, шишиш касаллиги ҳисобланади. (<https://daryo.uz>)

Демак, тиббий дискурда нутқий мулоқот маданияти бирликларини муайян шароитда беморнинг аҳволи, жинси, руҳиятига қараб шифокорнинг ўзи яратади. Том маънода, тиббий эвфемизм – шифокор ва бемор мулоқоти жараёнида айтилиши уят, қўпол ёки мулоқот аъзоларини ноқулай ҳолатга соладиган (сўз, ибора, сўз бирикмаси, гап баъзан матн каби) бирликлар ҳамда касалликнинг махфийлигини сақлаш учун тиббиёт терминлари ўрнида қўлланиладиган, шунингдек, бемор руҳиятига шикаст етказмаслик мақсадида, одатда, шифокор томонидан ишлатиладиган нутқий ҳосилалар. Яъни шифокорнинг метафорик тафаккурда ўз касби билан боғлиқ янги образ яратиши. Метафорик тиббий эвфемизмлар – нутқий санъат, яратилма, зарурий топилма. Зеро, сўзловчи ички сезимининг кучи, идрокининг теранлиги метафорада, бу куч ва теранлик даражаси эса уларнинг метафорик топилмаларида юзага чиқади. Метафоранинг қиммати ноодатийлиги ва ҳамиша янгиланиб туришидандир. Тиббий метафорик эвфемизмлар беморнинг ҳолати ҳақидаги яланғоч ҳақиқатни янги – мулойим, силлиқ шакл қолишларига солиш демакдир.

Умуман, тиббий метафорик эвфемизмлар шифокордан тафаккурнинг юқори даражасига кўтарилишни, воқеликни ифодалашда реаллик ҳамда нореалликни мувофиқлаштиришни, аниқроғи, улардаги мувофиқликларни англашни талаб этувчи тафаккур усулидир.

Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борилса, шунчалик янгидан-янги қирралар кашф этилаверади.

Демак, тиббиёт ходимлари энг аввало, инсон қалбига чуқур кириб бориши, унга йўл топиши керак. Шифокорлар зиммасида аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ҳаётини сақлашдек ғамхўрлик масъулияти бор экан, улар ўз касбларига ҳалол, юксак масъулият ҳиси билан ёндашиши, маънавий бурчлари ва деонтологик маданиятига содиқ бўлишлари муҳим.

Ваҳоланки, даво жараёнида сўз қудратли қурол, тенгсиз малҳам, ярим шифо демакдир. Одамзодга сўз таъсири ҳар қандай малҳамдан юқорироқ туриши сир эмас. Сўз руҳни даволайди. Буқрот ҳаким айтганидек: “Инсон руҳини даволамай туриб, танга шифо бериб бўлмайди”.

Аммо дискурда тиббий эвфемизмларни қўллашнинг ўзигина кифоя эмас. Шифокорнинг сўзлаш оҳанги, ҳатто сақлаган сукути ҳам ўринли, нутқий шароитга мос бўлиши зарур. Агар шифокорнинг сўзлаш оҳангида бепарволик, қўполлик, беписандлик ёки носамимийлик сезилса, ҳар қандай эвфемик бирик хам таъсир кучини йўқотади.

Нутқнинг асосий новербал компонентларидан бири оҳангдир. Мураккаб ва, айни пайтда, мазмунан, шаклан ва мавзу доираси жиҳатидан ниҳоятда ранг-баранг, бетакрор нутқий мулоқотда вербал воситалар билан бирга новербал воситалар ҳам муҳим ўрин тутди. Баъзан нутқ жараёнининг шакли фақат новербал бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бу нутқий шароит, ижтимоий муҳит, коммуникантларнинг тил сезгирлиги каби қатор факторларга боғлиқ.

Масалан,

Кечаси алламаҳалда Қодирали отанинг умр йўлдоши Ҳафиза аянинг аҳволи оғирлашиб қолди. Чақирилган "тез ёрдам"чилар анча кечикиб келишди. Қодирали ота оқ халатли врач билан хамширага йўл бошлар экан, йўл-йўлакай хотинининг ҳолатини тушунтиришига уринди...

–Ваҳима қилманг, ота, қон босими кексаларнинг кўпида бор, – деди бепарво оҳангда врач... (<http://shifokorvahayot.uz/>)

Парчадан маълум бўладики, сўзловчи (шифокор)нинг гап оҳангидаги бепарволик оҳанги тингловчи (беморнинг яқини)гаёқ салбий таъсир кўрсатади. Шифокорнинг ўз касбига масъулиятсизлиги унинг сўз оҳангидан билиниб турибди.

Мисол.

–Кеча нима овқат егандингиз?

Асабларим таранглашиб кетди. Яна шу саволми? Эрталабдан буён барча кўрган шифокор шу саволни берди. Аммо натижа бўлгани йўқ. Онамдан олдин жавобга шошдим.

–Илгари куни анорли салат билан ош еганлар. Кеча манти қилгандим.

–Тушунарли,–деди шифокор менинг жаҳлимга қарши ўлароқ **самимият билан**. – Онахонни қабзият қийнаяпти. Манави доридан икки дона олиб чиқинг. Тузалиб кетадилар.

... Кўп ўтмай онажонимнинг кўзлари порлаб, оёққа турдилар.

Шифокор:

– Яхшиси, – деди шифокор менга **илтимос оҳангида** худди ўз онаси ҳақида қайгураётгандек, – онахонга тез-тез суюқ овқатлар тайёрлаб беринг. Саломат бўлинглар! (<http://fsh.uz/>)

Шифокорнинг босиқлиги, ўз касбининг билимдони эканлиги, асосийси, муомала-муносабати беморга ҳам, унинг яқинларига ҳам ижобий таъсир кўрсатганлигини парчадан англаб олиш қийин эмас.

Агар дискурда сўзловчининг мақсади нутқда ифодаланаётган бирор фикрни асосий нутқ воқелигига айлантirmoқчи (гап кўзғамoқчи, эътибор қараттirmoқчи, баъзан шу орқали бирор ахборотга эга бўлmoқчи) бўлганда рағбатлантирувчи оҳангдан фойдаланади. Мисол,

–Эҳ, енгилгина дардга ҳам одам чўзилиб ётаверадими? – деди хона кириб келган шифокор **кўтаринки оҳангда** худди эски қадрдонлардек.

Карим сўлгин жилмайди. Энди дардини борича айтмаса бўлмаслигини англади.


Нутқнинг асосий новербал компонентларидан яна бири сукутдир. Ҳар қандай фаолият ўзининг амалий қиммати билан аҳамиятли. Нутқ мулоқот фаолияти бўлганлиги учун унинг самараси ҳам нутқнинг таъсирчанлиги, маълум бир мақсадга эришганлиги билан белгиланади. Сўзловчи ва тингловчи (коммуникант)ларнинг бир-бирига таъсири, маълум мақсадни юзага чиқариш даражаси мулоқот жараёнининг амалий самараси ҳисобланади. Зеро, нутқий мулоқот оддий нутқ(лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланиши)дан

фарқланувчи, ўзининг мураккаблиги, вербал ва новербал, шунингдек, миллий, этик, эстетик, этнографик, психологик, ижтимоий каби таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган ситуатив прагматик бутунликдир.

Сукут бирлигига ўта мураккаб, ўзига хос онийлик (ситуативлик), муайян коммуникантлар, замон ва макон, шарт-шароит, мақсад/сабаб ва оқибат билан узвий боғланган ўта қисқа бир замонда содир бўладиган прагматик система бўлган нутқий мулоқотнинг асосий таркибларидан бири сифатида қаралиши зарур [3;4;5].

Шифокор ва бемор ўртасидаги дискурда сукут – муҳим новербал коммуникатив восита тури. Тиббиётнинг отаси Гиппократ шундай ёзган эди: *«..ҳаким, таъхис қўйиши ва даволашнинг катта кўламига, беморнинг нафақат жорий касаллигини, балки, ундан аввалги юз берган бетобликларини ва улардан қолга асоратларни ҳам ҳисобга олиши зарур. Ҳаким бемор ҳам бошқа барча одамлардек оддий одам эканлигини, уни англаш учун бошқаларни ҳам англаш лозимлигини унутмаслик керак. Унинг учун ҳааттоки беморнинг сукути ҳам кўрсатма бўлиб хизмат қилиши керак».*

Том маънода, сукут ҳам тиббий эвфемик маъноларни юзага чиқарувчи, тиббий эвфемизмларнинг таъсир кучини оширувчи новербал прагматингвистик ҳодиса сифатида баҳоланиши ўринли. Демак,



Хулоса шуки, ҳар қандай тилнинг бойлиги ўша тил birlikларининг қўлланилиш имкониятлари даражаси билан

ўлчанар экан, бемалол айта оламизки ўзбек тилнинг ижтимоий-руҳий таъсир доираси ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир. Инсоннинг жисми жони, руҳияти, маънавияти, маърифати билан боғлиқ ҳолда фаолият юритадиган исталган йўналиш вакиллари, жумладан, тиббиёт ходимлари ўз соҳалари нуктаи назаридан оламнинг миллий лисоний тасвирларини синтезлашга ва уларни ўз фаолиятларига мос ҳолатда олиб киришга эриша олмақлари муҳим.

Зеро, оламнинг миллий лисоний тасвирларини синтезлаш инсоният онгида унинг олам билан барча алоқалари асосида шаклланади ва ривожланади. Бу борада тилнинг вербал (синонимия, градуонимия, антонимизация, перифраза, метафора, метонимия, синекдоха, киноя, фразеологизм, эвфемизация ва б.) ва новербал (оҳанг, сукут) бирликлари лингвопрагматикани амалга ошириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Raupova L., Qurbonova M., Abuzalova M., Yuldasheva D. Hozirgi o‘zbek tili. Darslik. – Buxoro: Durdon, 2021.
2. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020
3. Дилором Юлдашева. Нутқий мулоқотда сукутнинг ўрни. Образование и инновационные исследования. Том 1 № 1 (2020).
4. Юлдашева Д. Н. Сукут нутқий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3.
5. YULDASHEVA DILOROM NIGMATOVNA. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. Impact Factor (SJIF 20 20= 6.156) “American Journal of Research”, 2020, 11-12 issue of the Journal.– Pag.87-95.

МУНДАРИЖА**Rasmiy ochilish**

Zaripov B.	Давлат тили – миллий тараққиёт ва соғлом тафаккур мезони	4
Xamidov O.X.	Тил – миллатнинг ўзлиги	7
Rustamov A.	Учинчи ренесансга давлат тили билан эришамиз	9
Muxammedov M.M.	Тил – миллат кўзгуси, миллат қуёши	15
Jamilova B.S.	Ona tiliga muhabbat – millat qudratiga dalolat	18
Quvvatova D.H.	Юрагимнинг остида сайраб турган булбулим	21
Samandarova G.Y.	O‘zbek tili – millat g‘ururi	24
Yuldasheva D.N.	Ўзбек тилидек сўзга, иборага, ибрату ҳикматга бой тиллар саноқли	25

1-sho‘ba. O‘zbek tilshunosligining nazariy masalalari

Abuzalova M.Q.	Лингвистика ва соҳалар ҳамкорлиги ижтимоий зарурат сифатида	32
Axmedov A.R.	Qiyosiy-tarixiy metod	38
Asadov T.H., Mardonova S. O.	Badiiy asarda individual neologizm-semalar xususida	44
Hamdamova S. Sh.	“Begona tildan so‘z olmoqdan qutulgan til yo‘qdur”	49
Nazarova S.A., Xojiyeva M.Y.	[I~O] qurilmali birikmalarning badiiy nutqqa xoslanishi	53
Nazarova S.A., Yoqubova Sh.Y.	[I~F] qurilmali fe‘lli birikmalarning nutqiy imkoniyatlari	60
Po‘latova Z.M.	Tilning taraqqiyot bosqichlari	66
Rajabov D.Z., Bozorova G.Z.	O‘zbek tilidagi ayrim pleonastik birliklar tasnifi xususida	68
Sa‘dullayeva M.Q.	O‘zbek xalq maqollarida “muhabbat” konseptining antroposentrik tadqiqi	73
Safarova M.Z.	Etnotoponimlar xususida (Vobkent tumani misolida)	76
Tilavova M.A.	Frazeologik birliklarning badiiy matndagi o‘rni	80

2-sho‘ba. Amaliy tilshunoslik masalalari

Abuzalova M.Q., Boltayeva N.O`.	Tabassum – muloqotning universal vositasi sifatida	84
Adizova N.I.	Shoir Erkin Vohidovning antonimlardan foydalanish mahorati (<i>shoir dostonlari misolida</i>)	89
Ahmadova U.Sh., Latipova D.K.	Hunarmandchilik sohasida perifrazalar	95
Aminova M.	Insondagi ijobiy xarakter-xususiyatni baholovchi	99

O'ZBEK TILI VA UNING TA'LIMI TARAQQIYOTI: MUAMMO VA YECHIM

maqollarning semantik guruhlari		
Astanova G.A., Mirzoyeva Y.Y.	“Shimora”mi yoki “shumora”	106
Bafoyeva N. A.	Abdulla qodiriyning “o`tgan kunlar” romanida tarixiy antroponimlar	109
Bozorova G.Z.	Плеоназмнинг соҳаларда қўлланиш хусусиятлари	115
Fattoyeva R.B.	Bobur she'riyatida yorning qomati bilan bog'liq o'xshatishlar	120
Jumayeva M.E.	Jahon tilshunosligida lingvokulturologiya tadqiqi	123
Jo'rayeva L.J.	Badiiy nutq – tilning obrazli ifodasi sifatida	129
Raxmonova F.	Badiiy asarlarda dialektik birliklarning qo'llanilishi (“shum bola” qissasi misolida)	133
Toirova G.I., Jumaeva D.B.	Antroponimik- murojaat birliklarining vazifalari	137
Toirova G.I., Quziyeva T.F.	O'zbek va ingliz tillarida qisqartma so'zlarning ifodalanishi	141
Umarova D.F.	Сельское хозяйство на английском и узбекском некоторые фразеологические союзы	147
Uchqunova A.S.	Buxoro shaharidagi kasb-kor bilan bog'liq godonimlar	154
Xamdamova G.X.	Somatizmning madaniyat va tildagi o'rni	158
Yusupova D.Y.	H. Xudoyberdiyeva she'rlarida so'z zimmasiga yuklangan ma'no	163
Yo'ldosheva N.Q.	Mehnat konseptini ifodalovchi leksemalar tahlili	167
O'rinova M.O.	O'zbek xalq maqollarida arxaizmlar	172
3-sho'ba. O'zbek lug'atchiligi muammolari		
Nazarova D.G'.	Мактаб она тили таълими ва ўқув луғатчилиги муаммолари	175
Xayrullayeva M.O.	Buxoro viloyat vobkent tuman mikrotoponimiyasining mavzu guruhlari tasnifi	182
G'aybullayeva N.I.	Тиббиёт лексикографияси ва унинг тили хусусида	187
4-sho'ba. Davlat tilida ish yuritish masalalari		
Qobilova S.S.	O'zbek tili davlat tili sifatida	192
Yunusova M.Sh.	Тил - миллий ўзлимиз тимсоли	194
5-sho'ba. O'zbek alifbosi va imlosi muammolari		
Hojiyeva N.H.	Ўзбек тилида мевачилик лексикаси	198
6-sho'ba. Soha lingvistikasida yechimini kutayotgan muammolar		
Baxriyeva U.M.	Teri kasalliklarini ifodalovchi tibbiy lingvistik birliklar	203

O‘ZBEK TILI VA UNING TA’LIMI TARAQQIYOTI: MUAMMO VA YECHIM

Boboxonova F.M.	Internet tili xususiyatlarining umumiy tamoyillari	207
Malikova G.T.	O‘zbek televideniyaqidagi musiqiy-ko‘ngilochar Tonggi dasturlarda adabiy til me‘yorlari (muammo va yechim)	213
Navruzova M.G.	Tibbiy terminlar haqida ayrim mulohazalar	220
Xayrulloeva G.F.	“O‘tkan kunlar” romani matnini avtomatik-semantik razmetkalash masalasi	224
Yuldasheva D.N., Cho‘lliyeva G.T.	Тиббий дискурда оҳанг ва сукут	232
7-sho‘ba. Ta’lim bosqichlarida o‘zbek tili ta’limi masalalari		
Jo‘rayeva B.M.	Bugungi kun ta’limining dolzarb vazifasi	232
Po‘latova S.M.	Ona tili fanini o‘qitish	242
Jo‘rayeva Ch.	Ona tili darslarida o‘quvchining aqliy faoliyati	246
To‘yeva Z.N.	Ona tili mashgulotlarida ўқувчи нутқини ўстиришга қўйиладиган талаблар	252
Ro‘ziyeva M.I.	Oliy ta’limda til mavzularini o‘qitish	256
Sattorova Z.	“Milliy tilni yo‘qotmak millatning ruhini yo‘qotmakdur”	261
8-sho‘ba. Adabiyotshunoslik masalalari		
Bekova N.J.	Навоийнинг туркий ва форсий ғазаллари бадииятига доир	265
Ражабов Д.З., Ахророва Н.А.	Ёшларнинг ижтимоийлашувида таълим ва кадрият масаласи	274
Норова Н.	Усмон Қўчқорнинг озарча баъзи таржималари хусусида	277
Bozorova G.B.	Abdulla Oripov she‘riyatida talmeh va uning ko‘rinishlari	282

O‘ZBEK TILI VA UNING TA’LIMI TARAQQIYOTI: MUAMMO VA YECHIM

**(O‘zbek tiliga Davlat tili maqomi berilganligining
33 yilligiga bag‘ishlangan an’anaviy respublika ilmiy-
amaliy konferensiyasi materiallari)**

Buxoro, 20-oktabr, 2022-yil

“Durdona” nashriyoti